



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 60 (13.657)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мева-сабзавотчиликни интенсив ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун экин майдонлари сезиларли равишда кенгайтирилди, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича қувватлар ишга туширилди, молиявий ресурслар, жумладан, халқаро молия институтлари маблағлари фаол равишда жалб этилмоқда.

Шу билан бирга қўшимча мева-сабзавот маҳсулотлари бозорларидаги юқори даражадаги рақобат агро-техниканинг ҳамда ишлаб чиқариш ва маҳсулот етказиб бериш жараёнларини бошқаришнинг замонавий услубларини жадал равишда жорий этишни талаб қилмоқда.

Бирок қатор салбий омиллар мамлакатимиз агро-саноат соҳаси салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда. Улар жумласига қуйидагилар кирди:

Биринчидан, мева-сабзавот маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари ва тайёрловчилари ўртасида мева-сабзавот экинлари бозорлари харидоригир экинлар ва уларнинг навларини жойлаштириш масалаларида ўзаро ҳамкорликнинг бозор механизмидаги тўлиқ фойдаланмаслик;

Иккинчидан, тузилган шартномаларни ўз вақтида, сифатли, тўлиқ ёки мулкка бажармаслик каби ҳаракатларда намоён бўлувчи кичик қишлоқ қишлоқлиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан шартнома интизомига риоя қилиш даражасининг пастлиги;

Учинчидан, қишлоқ ҳўжалиги меҳнатини механизациялаштириш, замонавий интенсив, аввало, сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш, уларни сақлаш ва транспорттировка қилиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг мустақил равишда ташқи бозорга чиқиши учун молия ресурсларини жамғариш учун қўлай имкониятларнинг йўқлиги;

Тўртинчидан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг бозорларда харидоригир бўлган юқори ҳосилдорликка эга ва сифатли навларнинг уруғи, кўчати билан қониқарли равишда таъминланмаганлиги;

Бешинчидан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг реал эҳтиёжларига жавоб бермайдиган кадрлар тайёрлаш тизимининг паст даражаси, жумладан, замонавий билимларга эга ўрта ва олий бўғиннинг юқори малакали мутахассисларини тайёрлаш бўйича халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги;

Олтинчидан, логистика ва транспорт инфраструктураси ривожланмаганлиги ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлиши, шунингдек, етиштирилган маҳсулотни арзон нарҳларда сотиш ва натижада қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг қониқарсиз молиявий кўрсаткичларига сабаб бўлмоқда;

Еттинчидан, турли экинлар агротехнологияларининг долзарб масалалари ва уларни амалиётга жорий этиш бўйича чуқур илмий тадқиқотларнинг йўқлиги, илмий институтлар ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг паст даражаси.

Мева-сабзавотчиликни жадал ва самарали ривожлантиришни таъминлаш, юқори сифатли ва рақобатбардор тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни йирик хорижий бозорларга чиқариш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг изчил ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Сурхондарё вилоятида мева-сабзавот маҳсулотлари соҳасида қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида кластер усулини яратишни қўллаб-қувватлаш бўйича тажриба йўлга қўйилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари жорий қишлоқ ҳўжалиги йилидан бошлаб:

мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан то сотишгача бўлган белгиланган жараёни мустақил равишда амалга оширувчи ягона ёки ўзаро боғлиқ корхоналар гуруҳи доирасида;

қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ ҳўжалиги юмушларини ташкил қилиш учун экиш материаллари, аванс тўловларини тақдим этувчи ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотни келишилган нарҳларда сотиб олувчи қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчилари, тайёрловчи корхоналар, қайта ишловчилар, экспорт қилувчилар ўртасида қафолатланган шартномалар асосида "уруғ-кўчат-маҳсулот етиштириш-тайёрлаш-сақлаш-қайта ишлаш-транспорттировка қилиш-бозорга етказиш" тамойили бўйича узлуксиз занжирни шакллантиришни кўзда тутувчи мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер усулини (кейинги ўринларда мева-сабзавот кластерлари деб юритилади) кенг жорий этиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари З.Т.Мирзаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари тегишли тартибда чигитдан бўшаган ерларда қишлоқ ҳўжалиги экинларини экишда.

(Давоми 2-бетда)

АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МИНТАҚА ИСТИҚБОЛИ УЧУН ҚАНДАЙ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТАДИ?



26-27 март кунлари, "Қобул жараёни"нинг иккинчи мажлисидан сўнг бўлиб ўтган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзудаги Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент конференцияси жаҳон ҳамжамияти томонидан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Исломи Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани сўзга чиқдилар.

БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш конференция иштирокчиларига видеомурожаат йўлади. Учрашувга ушбу ташиқлотнинг Афғонистондаги махсус вакили Тадамити Ямамото таклиф этилди. Шунингдек, конференцияга Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сийбати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, Хитой, Россия, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амириклари ташқи сийбати идоралари раҳбарлари ташиқлот буюрди. Конференция ишида 20 давлат ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлар, жумладан, ШХТ вакиллари иштирок этди.

Тадбир халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотди. Эеро, Афғонистон бўйича конференция Афғонистонда охириги 19 йилда биринчи марта ўтказилаётган эди. Қолаверса, мазкур кенг кўламли тадбир, экспертларнинг фикрича, Марказий Осиё халқаро муносабатларининг муҳим субъектига айланиб бораётганидан далолат беради. Қирғизистон халқаро муносабатлар ва хавфсизлик бўйича кенгаши бошқаруви аъзоси Эдил Осмонбетов Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси минтақамиз учун қандай истиқболлар очиб бериши хусусида "Қабар" ахборот агентлигига қуйидагиларни сўзлаб берди.

Сийбатунос Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент конференцияси Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йилда олиб борган сийбатнинг давоми эканини таъкидлаш зарурлигига эътибор қаратди, — деди Эдил Осмонбетов. — Марказий Осиё учун яхши қўшничилик муносабатлари, тинчлик ва хавфсизликни мустақамлаш муҳим аҳамиятга эга. Демак, бу Афғонистон Президентининг аввалбандонақ минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш зарурлигини қайд этгани унинг узоқни кўра олиши, стратегик фикрлашдан далолат беради.

Бўлиб ўтган кенг кўламли тадбир минтақаддаги барча давлатлар ва жаҳон ҳамжамияти нафақат Афғонистонда, балки бутун Марказий Осиёда барқарорликка эришиш йўлида ҳаракат қилаётганидан далилдир.

Сабаби, Марказий Осиё Евроосийнинг юрагида жойлашган, Шарқ ва Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлаб турувчи кўприқдир. Яъни, биз энергия ресурсларига бой транзит ҳудудимиз, ноб ҳудудий салоҳиятга эгамиз, кўплаб мамлакатларга таъсир кўрсатамиз ва уларнинг таррақийетида иштирок этаёмиз.

Тошкент конференцияси уч жихатни кўрсатди. Биринчиси — ушбу тадбир Марказий Осиё учун катта аҳамиятга эга, чунки, бир томондан, бу аввало, минтақа етакчиларининг биринчи катта саммити бўлиб ўтгани ҳамда минтақа мамлакатлари халқаро майдонда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиш учун ягона кун тартибини шакллантиришга интилаётгани билан боғлиқ. Иккинчиси — Марказий Осиё янги геосийбати даврни бошлади ҳамда геосийбати субъектга айланган учун яхши имкониятга эга. Яъни, эндиликда биз халқаро муносабатларнинг объекти эмас, субъекти бўлишга ҳаракат қилаёмиз. Учинчиси — конференция Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистон ўртасида тинч ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб берди. Ҳоҳаймизми-йўқми, Афғонистон Ўзбекистон ва Тожикистон билан чегарадош, улар эса, ўз навбатида, минтақанинг қолган мамлакатлари билан қўшни. Бу жуда муҳим омил, чунки яхшилик ва хавфсизлик тушунчалари умумийдир. Бу борада конференцияда Шавкат Мирзиёев "Хавфсизлик ягона ва бўлинмас, хавф-хатарларнинг баъзи бирларини "ўзимизники", бошқасини эса "бировники", деб қабул қилмаслигимиз керак" деди. XXI асрда бунинг иложи ҳам йўқ, чунки мавжуд муаммолар Марказий Осиё мамлакатларининг барчаси учун умумийдир. Кимда-ким минтақадда терроризм ва экстремизм хавфи тарқалишининг олдини олишга уринмасдан ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлса, бунинг уддасидан чиқа олмайди.

Қирғизистон халқаро муносабатлар ва хавфсизлик бўйича кенгаши бошқаруви аъзоси Марказий Осиёда ўзаро му-

носабатларни яхшилашнинг ташаббускори бўлган Ўзбекистон 2017 йилдан бун бу борада жиддий қадамлар ташлагани ва бу эътирофга сазоворлигини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик муҳитини яхшилашга доир ташаббус минтақанинг барча давлатлари томонидан қўллаб-қувватлангани бу жараён бошланганидан далолат беради. Минтақадда ўзгача муҳит шаклланди, буларнинг барчасини ҳисобга олиб, минтақа мамлакатлари Марказий Осиёда зиддиятли вазиятларни ҳал этиш учун ўз форматига эга бўлишлари лозим.

Ҳар қандай конференция шундай бир формат ёки майдон яратишни назарда тутди. Тошкент ўз майдонини тақлиф этди. Ўзбекистон раҳбари Тошкент конференциясидаги нутқидан анжуман бу бир марталик тадбир эмас, аксинча, кўп мартаба ўтказилишини қайд этди.

Конференция яна бир ҳулосага келиш имконини беради — Марказий Осиё минтақасининг ўрни бутун Евроосий маконидан кучайиб бормоқда, барча жараёнлар кўнгилдагидек кечса, Марказий Осиё халқаро майдондаги масалаларни ҳал этишга қодир бўлади, минтақанинг роли ортиб бораверади. Биз бу борадаги дастлабки қадам ва уринишларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз, биргаликдаги саъй-ҳаракатларнинг аҳамияти сезилмоқда. Бу эса, Марказий Осиёнинг барча етакчилари учун замин бўлиб ҳизмат қилади. Қийинчиликларга қарамадан, минтақа ушбу мақсадга интилоқда. Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси минтақамиз олдида турган янги ҳатар ва таҳдидларга биргаликда қарши туришда муҳим мулоқот майдонига айланishi мумкин.

Минтақаддаги ички жараёнлар ташқи аралашувларсиз кечайгани айниса мумкидир. Биз ҳамжиҳат минтақани шакллантиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Марказий Осиё Евроосий макони, Афғонистон ва Кавказ учун "хавфсизлик донори" бўлиши мумкин.

Эрмек АБДРИСАЕВ,
"Қабар" ахборот агентлиги
ЎЗА учун махсус

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ҳамкорлик

ЎЗБЕКИСТОН "КАМАЗ"ЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Пойтахтшумиздаги "Ўзэкспомарказ"да Ўзбекистонда йиғилган "КАМАЗ" юк автомобилларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

"Ўзавтосаноат" ҳамда Россиянинг "КАМАЗ" компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчюнаси, турли вазирлик ва идоралар, мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

"Ўзавтосаноат" бошқаруви раиси У.Салимов, "КАМАЗ" компанияси Бош директори С.Когогин, "UzAutoTrailer" МЧЖ Бош директори А.Ҳожибоев ва бошқалар сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янги босқичда жадал ривожланган сийбати, савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатлар мустақамлашганига, ҳар икки давлат манфаатларига ҳизмат қиладиган лойиҳаларнинг ҳаёта изчил таъкид этилишида муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4-5 апрель кунлари Рос-

сия Федерациясига давлат ташиқоти чоғида Ўзбекистонда "КАМАЗ" юк автомобилларини йиғиш бўйича келишувга эришилгани ана шундай истиқболли лойиҳалардан бири бўлди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги "UzAutoTrailer" МЧЖнинг ишлаб чиқариш майдонида мазкур автомобилларни ишлаб чиқариш бошланди. Айни пайтда "UzAutoTrailer" заводиди 10 дан 36 тоннагача юк кўтариш қувватига эга 11 турдаги юк автомобиллари йиғилди. Мазкур автомобилларга ўрнатилган двигателлар 240 дан 401 гача от кучига эга бўлиб, улар ЕВРО 3, ЕВРО 4, ЕВРО 5 экологик меъёрларга жавоб беради.

Жорий йил биринчи чорагида заводда 100 дана юк автомобилнинг илк партияси чиқарилди. Заводнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1500 дана, кейинчалик ушбу кўрсаткични 3000 данага етказиш режалаштирилмоқда. Заводда ишлаб чиқарилган юк авто-

билларини нафақат ички бозорга чиқариш, балки Марказий Осиё, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатларига экспорт қилиш кўзда тутилган.

Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, яратилаётган қўлай инвестициявий муҳит, ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларга берилаётган катта имтиёзлар кўплаб хорижий ишбилармонларни, инвесторларни қизиқтираётгани шубҳасиз, — деди С.Когогин. — Биз ҳамкорлигимиз янада кенгайтиришга, биргаликда ташқи бозорга рақобатбардор маҳсулотлар олиб чиқишимизга ишонамиз.

Тақдимот доирасида Ўзбекистонда йиғилган "КАМАЗ" юк автомобилларининг турли моделлари намойиш этилди. Шунингдек, халқаро "Дакар" ралли-марафонининг 15 карра голиб, "КАМАЗ-Мастер" жамоасининг афсонавий спорт юк машинаси йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Байрам АЙТМУРОДОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2018 йилнинг 29 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишнини бошлади. Унда Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлиси Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев олиб борди.

Сенаторлар ишни янги таҳрирдаги "Давлат муқофотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқишдан бошладилар.

Таъкидланганидек, давлат муқофотлари рағбатлантиришнинг олий шаклидир. Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг давлат муқофотлари билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар муқофотланиши мумкин. Қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет эл давлатларининг муқофотлари билан ҳам тақдирланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

(Давоми 3-бетда)

XXI аср саҳоси

Барча маънавлардан олдинда сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманган вилояти Янгиқўрган туманидаги "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинининг янги босқичи фойдаланишга топширилди. Маҳалла идорасининг янги босқичи қурилишига 750 миллион сўм маблағ сарфланди. Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан 167 миллион сўмлик идора жиҳозлари, оргтехника воситалари билан таъминланди. Яратилган қўлай шароит ва имкониятлар маҳалла фаолиятини янада такомиллаштиришга ҳизмат қилади.

• Термизда "Энг намунали китоб дўкони" кўри-

танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Мамлакатимизда илк марта ўтказилаётган танлов голибини аниқлашда ҳакамлар ҳайъати томонидан китоб дўконининг харидорларга қўлай ҳудудда жойлашгани, дўконнинг жиҳозланиши, бинонинг аҳволи, тозалик, санитар ҳолати ва умумий китоб фонди ўрганилди.

• Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги харбий қисмлардан бирида мuddатли харбий ҳизматга қақирилган аскарларнинг танталани қасамд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурдаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, харбийлар, мuddатли харбий ҳизматга қақирилган аскарларнинг ота-оналари, ёшлар иштирок этди.

• Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида чигит экиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни қисқа мuddатларда ташкил этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган кўргазмали семинарда Самарқандда чигит экиш 5 апрелгача яқунланиши ҳақида маълумот берилди.

ЖАҲОНДА

• Австралиялик диетолог Рик Хэй соғлом ва яхши уйқуни таъминловчи маҳсулотлар рўйхатини тўзди. Кўк ва оқ чой ушбу рўйхатда биринчи ўринда қайд этилди. Чунки уларнинг таркибидаги L-тианин моддаси асабини тинчлантиришга ёрдам беради. Кейинги погоналарни мойичақли чой ва долчин эгаллади. Бундан ташқари, шифокор занжабил, майонез, цитрус меваларидан лимон ёки лайм ва турли витаминларга бой баобаб меваларни ейишни маслаҳат бермоқда.

• Жаҳонда энг нуфузли "Формула-1" таснифдаги автомобиллар пойғаси бўйича жаҳон чемпионатининг илк босқичи — Австралия Гран-приси иккита эркин амалиёт мусобақаси билан бошланди. Экспертлар мазкур мавсумда асосий кураш британиялик Льюис Хэмилтон ("Мерседес") ва германиялик Себастьян Феттел ("Феррари") ўртасида кечилиши тахмин қилмоқда. Айни пайтда иккисининг ҳам ҳисобида тўрттадан чемпионлик унвони бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

логистика марказлари (мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, бирламчи ёки чўқур қайта ишлаш бўйича қувватлар, қишлоқ хўжалиги техникаси), шунингдек, ички ва ташқи бозорда мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш тажрибасига эга;

замонавий иссиқхона хўжалиқлари ва интенсив боғлар яратиш ва улардан фойдаланиш тажрибасига эга; қўшимча қийматлар занжири бўйича кластер усулида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун шахсий ва жалб қилинган молиявий маблағларига эга;

мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш, жумладан экспорт қилишни ташкил қилиш, замонавий ресурс ва сувни тежовчи технологияларни жорий этиш, янги иш ўринлари яратиш вазифаларини ўз зиммасига оладиган хўжалик юртувчи субъектларига (ўзаро боғлиқ корхоналар гуруҳига) биринчи навбатда ердан узоқ мuddатли ижара шартларида фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

2018 йилда ҳар бир ҳудудда 1-2 та мева-сабзавот кластерлари ташкил этсин ва 2019 йилдан бошлаб мева-сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган барча туманларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ташкил этишни кластер шаклига жалб этсин;

мева-сабзавот кластерларига ички ҳамда ташқи бозордаги эҳтиёж ва тупроқ-иқлим шaroитларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, маҳсулот етиштириш ҳажми, уларнинг нави ва турини белгилаш, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжалиқлари билан улар томонидан тайёрланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш юзасидан шартномалар тузиш бўйича мустакил қарор қабул қилиш ҳуқуқи тақдим этилсин;

мева-сабзавот кластерларига қўчатзорлар, жумладан логистика марказлари (музлатгич, омбор, қайта ишлаш қувватлари, лаборатория, машина-техник станциялари учун инфратузилма бинаолари)ни ташкил қилиш учун ер майдонлари ажратиш тўғрисидаги қарорлар тезкор қабул қилинсин;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига ирригация ва коллектор қурилушларини тозалашда ёрдам кўрсатсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С.Р.Холмуродов Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой мuddатда:

ҳалқаро молия ташкилотлари ва институтлари кредит линияларини, жумладан мева-сабзавот кластерлари устас капиталига кейинчалик ушбу ҳиссаларни муассислар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан сотиб олиш ҳуқуқи билан жалб этиш;

мева-сабзавот кластерларини, бошқа мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва экспортчиларини экспортди молиялаштириш учун тижорат банкларида кредит линияларини очиш;

қўчатзорларни ташкил қилиш, мева-сабзавот кластерлари логистика марказлари, иссиқхоналар қуриш ва интенсив боғлар барпо этиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш учун ҳалқаро молия институтлари кредит линиялари ҳажмини кенгайтириш;

агрономлар ва мева-сабзавот кластерлари, замонавий интенсив боғлар ва иссиқхона хўжалиқларининг бошқа ходимларини бир йилгача бўлган мuddатда етакчи ихтисослаштирилган хорижий компанияларга таълим олиш ва стажировка ўташга юбориш учун грант маблағлари ва ҳалқаро ташкилотларнинг техник қўмак маблағларини жалб этиш бўйича тақдирлар киритсин.

6. Қўйдоғилар 2021 йил 1 январга қадар:

қўчатхоналар ва иссиқхоналарда уруғ, қўчат ва пайвандтаг етиштирувчи ва уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига етказиб бeрyвчи хўжалик юртувчи субъектлари барча турдаги солиқ ва йиғимлар тўлашдан (ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно);

четдан олиб қирилатган уруғлар, қўчатлар ва пайвандтаглар, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари, замонавий энергия тежовчи иссиқхоналар ва уларнинг бутловчи қисмлари иловига мувофиқ божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғим бундан мустасно);

импорт бўйича олиб қирилатган, мева-сабзавот маҳсулотларини ташкил этишга ихтисослаштирилган транспорт воситалари (ТИФ ТН кодлари – 870120, 870421, 870422, 871639) божхона тўловлари ва Республика йўл жағфармасига йиғимлар тўлашдан озод этилсин.

7. 2018 йилнинг 1 январидан мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи ташкилотларга даромадга воситачи ташкилотлар учун кўзда тутилган ставка бўйича солиқ солган ҳолда муқофот суммасидан ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки, 2018 йилнинг 1 апрелидан бита мева-сабзавот кластери ичида сотиладиган маҳсулотга қўшимча қиймат солиғи солинмайди ва давлатнинг мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар ундирилмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жағфармаси томонидан 2017 йил 5 сентябргача иссиқхоналар қуриш, интенсив боғлар яратиш ва музлатгичлар қуриш учун ҳалқаро молия институтлари кредит линиялари ҳисобидан ажратилган валюта кредитлари бўйича белгиланган фойз ставкасининг 50 фоизгача миқдорда компенсация тўлаш тартибини тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва сўғурта ташкилотлари билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва тайёрловчилари ўртасида контрактация шартномаларини сўғурталаш механизмни такомиллаштириш бўйича тақдирлар киритсин.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар қантарини давлат инспекцияси ва “Ўзагромиқхима” АЖ билан биргаликда, тажриба тариқасида, реал натижалардан ва ҳосилнинг сақланишидан келиб чиқиб якуний ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши ва муқофот олишни ҳисобга олган ҳолда фитосанитария таъминотини, ўсимликларни зараркунданлар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоялашни таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар қантарини давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2018 йилнинг 1 сентябргача бўлган мuddатда Ўсимликларни зараркунданлар, касалликлар, бегона ўтлар, бактериялар ва вируслардан комплекс ҳимоялаш, фитосанитария назоратини кучайтириш ва ривожланиш, мақбул фитосанитария ҳолатини таъминлаш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги 2018 йил 1 ноябргача қадар барча қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари эркин фойдалана оладиган салоҳиятини хорижий бозорларнинг электрон маълумотлар базасини яратишни таъминласин, бунда мева-сабзавот маҳсулотлари турлари, навлари, асосий истеъмолчилари бўйича эҳтиёжларнинг тахминий ҳажми, шунингдек, қўйиладиган талаблари бўйича ахборот олиш имконияти кўзда тутилсин.

Белгилансинки, хорижий бозорлар бўйича маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги томонидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари ва савдо ваколатхоналарининг ходимларини жалб қилган ҳолда, шакллантирилади ва янгиланади.

13. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тегшли илмий-тадқиқот институтларини жалб этиш ҳолда, қуриқчилик, касалликлар ва зараркунданларга чидамли

қишлоқ хўжалиги экинларининг селекциясини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин.

14. “Ўзбекэнерго” АЖ (У.Мустафаев), “Ўзтрансгаз” АЖ (А.Мустафаев), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига мева-сабзавот кластерларининг ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш қувватларини электр энергия ва табиий газ билан уларнинг табиий эҳтиёжларига мувофиқ узлуксиз таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С.Отажонов, Ташқи савдо вазирлиги (Ж.Ходжаев) ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (Х.Хасилов)га бир ой мuddатда қўйдоғилар бўйича тақдирлар киритсин:

мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчиларга экспорт контрактлари бажарилишни таъминловчи мuddатларда темир йўл вагонлари, шу жумладан, вагон-рефрижераторлар бериш тартибини мақбуллаштириш ва соддалаштириш;

шу жумладан, хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда замонавий рефрижераторли контейнерлар ишлаб чиқарилиши, ҳалқаро регистрларда сертификациялаш ва рўйхатдан ўтказишни ташкил қилиш, шунингдек, уларни мева-сабзавот кластерлари, тайёрлов ташкилотлари ва бошқа манфаатдор фойдаланувчиларга, шу жумладан, лизинг орқали сотиш тартибини белгилаш бўйича.

16. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда агротехнологиялар соҳасида юқори малакали, замонавий билимларни эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш бўйича ҳалқаро ҳамкорликни йўлга қўйишни таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги вилоятлар ҳокимликлари, мева-сабзавот кластерлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг буюртмаларига кўра жалб этиладиган хорижий мутахассислар учун 12 ойгача бўлган мuddатда кириш визалари ва кўп марталиқ визалар расмийлаштиришни таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги вилоятлар ҳокимликлари, мева-сабзавот кластерлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг буюртмаларига кўра жалб қилинадиган хорижий мутахассислар учун давлат божини ундирмаган ҳолда кўп марталиқ визаларни расмийлаштириш, бериш ва узайтириш, шунингдек, яшаш жойи бўйича вақтинча прописка қилиш, ҳисобга қўйиш ва вақтинча пропискани узайтиришни таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мева-сабзавот кластерлари буюртмаларига, кўра белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасига қишлоқ хўжалиги бўйича юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун рухсатномалар бeрилиши, шунингдек, ушбу хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланишга рухсат бeриш (узайтириш)ни таъминласин.

20. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қўнун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдирлар киритсин.

21. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Н.С.Отажонов, Э.Т.Мирзаев ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 29 март

Жаҳон тажрибасидан маълумки, жамиятда реал мулкдорлар илғор синфининг мавжудлиги барқарорлик ва фаровонлик гаровидир. Глобаллашув шароитида инновацион ривожланишнинг муқимлиги мамлакатнинг рақобатбардошлигини, унинг иқтисодий, технологик, экологик хавфсизлигини ҳамда барқарор тараққиётини таъминловчи муқим омиллардан бири ҳисобланади. Иқтисодийнинг инновацион модели мамлакатнинг жадал ривожланиш суръатларини ҳам таъминлайди.

ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҲОЯ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚўВВATЛАШ – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШИ

Маълумки, дунё иқтисодиётида устувор мавқега эришган давлатлар, аввало, аҳолининг турмуш даражасини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўли билан кўтарганлар. Масалан, Европа Иттифоқи аъзолари – мамлакатларининг ялпи ички маҳсулотларида кичик ва ўрта бизнеснинг улуши 67%, Германияда 65%, АҚШда 52% дир. Японияда 80%, Европа Иттифоқи давлатларида 70% аҳоли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларидаги меҳнат билан банд.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида ишлаб чиқаришни устувини таъминлаш, замонавий технологияларни татбиқ қилишга асосий эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, ассортименти кенгайиб бормоқда. Давлат аҳолининг турли қатламларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишнинг ҳар томонлама чораларини кўрмоқда, масалан, хотин-қизлар, айника эшлар, хусусан, коллеж битирувчиларига қатор имтиёз ва афзалликлар бeришмоқда.

Зеро, тадбиркорлик бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдиршига, шунингдек, даромад олишга қаратилган фаолият бўлиши билан бирга, ёшларда тадбиркорлик қўнқималарини шакллантириш ва мустакил ҳаётга тайёрлашда беҳиёс аҳамиятга эга. Бу ўринда тадбиркорликни ривожлантиришга янги асосда иқтисодимизни ташкил қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қабул қилинган ва амалга оширилаётган ҳар томонлама йўналган дастурлар кучли туртки

бўлмоқда. Мамлакатда қисқа мuddатда 161 йирқи санаот объекти қурилишга топширилди. 2018 йилда бу қўшимча 1,5 триллион сўм маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бeради.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг қулай муҳитини яратиш учун ҳуқуқий майдон, институционал муҳит, инфратузилма яратиш борасида давлатнинг фаол қўллаб-қувватлашига қарамай, инновацион тадбиркорлик ривожланиши суръатлари суст. Ўзбекистон замонавий иқтисодиёт ривожланишининг муқим йўналиши томонидан янги гоя, илмий билим, технологиялар ва маҳсулот турларини ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларда ҳамда жамиятнинг бошқарув доирасига татбиқ қилишга асосланадиган инновацион фаолиятни ривожлантириш зарур.

Бу ўринда мамлакатимизда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашга ягона ёндашув шаклланиб бўлиши, яъни инновацион ривожланишнинг жаҳон тажрибасида сигналган тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг барча чоралари ўзаро мувофиқлаштирилганини назарда тутаяди ва ўз ичига нафақат молиявий, таъминлий, хизмат кўрсатиш чоралари, балки жамиятнинг инновацион тафаккурини шакллантирадиган воситаларни назарда тутаяди. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол қўллаш хўжалик субъектлари фаолиятини унмодорлигини оширишда фақат қўшимча ресурс эмас, балки миллий иқтисодий мақонни оптималлаштириш, тенг ва ҳалол рақобат шароитларини яратиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг оқиллигини ошириш ва бошқалар учун кенг имкониятлар тақдим этилаётгани маълум.

ажралиб туради. Бу эса давлат албатта давлат хизматларини қўрсатиш сифатини ошириш ва коррупциянинг олдини олиш масалалари билан боғлиқ. Маълумки, Канада давлат хизматларида “ягона дарча” принципини қўллаган давлатларда ҳисобланади. Мазкур давлатда давлат хизматларини такомиллаштириш жараёнида уларни автоматлаштиришда ҳам марказий ҳам маҳаллий бўғинларида амалга оширилган бўлиб, жумладан, Service Canada ва Government On Line дастурларидан фойдаланилган.

Президентимиз ўз чиқишларида бeрибди аҳолига давлат хизматларини кенгайтириш ва сифатини тубдан оширувчи янада қулай шароитларни яратиш муқим эканлигини алоҳида таъкидлади. Шу муносабат билан Адлия вазирлиги қосида янги тузилма – Давлат хизматлари агентлиги ташкил қилинди. Мазкур Агентлик барча давлат идоралари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларини мувофиқлаштиришда ва назорат қилади. Ташкил қилинган агентликлар Халқ қабулхоналари ҳузурида иш бошлайди ва тезкор ҳамда сифатли хизматларни нафақат тадбиркорларга, балки барча фуқароларга қўрсатади. Ушбу ислохот давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини жиқмоний ва юридик шахсларга турли хизматларни қўрсатишда уларнинг функция ва вазифаларини амалга ошириш бўйича ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан оширилмоқда.

Давлат хизматлари сифатини ошириш мамлакатимизда олиб бeрилаётган давлат бошқаруви тизимининг ислохотларининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, фуқароларга муносиб хабтн таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Харақатлар стратегиясига тўла мос келади. Давлат хизматлари сифати давлат бошқаруви самарадорлиги ва сифатининг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини самарадорлигининг асосий ва кўп ҳолларда ягона мезонидир.

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш, “Халқ давлат органларига хизмат қилмайди, аксинча давлат органлари халққа хизмат қилади” деган олижаноб гояни амалга оширишга қаратилган давлат хизматлари қўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислохот қилинаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бунда аҳолининг турмуш даражасини, инвестицион, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши ва бизнесни ривожлантириш асосий мақсадга айланган.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ, юридик фанлари доктори

Тошкентдаги “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуида бўлиб ўтган Халқаро пресс-клуб сессиясида Президент ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислохот қилиш концепция лойиҳаси кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Унда экспертлар, тадбиркорлар, халқаро молиявий институтлари, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

СОЛИҚ СОҲАСИ ТУБДАН ИСЛОХ ЭТИЛАДИ

Бугун солиқ маъмурияти ҳараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, бу борада илғор хорижий тажрибадан унумли фойдаланиш муқим аҳамият касб этмоқда. Очiq айтиш керак, тадбиркорлик субъектларига нисбатан сақланиб қолаётган юқори даражадаги солиқ юки, солиқлар турининг кўплиги, уларнинг маъмуриятчилик жараёни мураккаблиги иқтисодийтаъминат раваннага тўққинлик қилмоқда. 2018-2020 йилларга мўлжалланган солиқ ислохоти концепцияси лойиҳасида ана шу гоят долзарб масалаларга муқим эътибор қаратилган.

Лоийҳа бошқаруви миллий агентлиги директори ўринбосари Гўзал Исмолова, молия вазири ўринбосари Вячеслав Пак, Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Бекзод Мусаев ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 13 февралдаги “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишига мувофиқ ишлаб чиқилган мазкур концепция бир қатор муқим ўзгаришларни қамраб олгани ҳақида гапирди.

– Солиқ концепциясини ишлаб чиқишдан асосий мақсад Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан тадбиркорларни, кенг аҳоли қатламининг қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш, уларга солиқ маъмуриятидаги имкониятлар яратишдир, – дейди Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Бекзод Мусаев. – Бунда асосий эътибор иш бeрувчи томонидан тўланадиган турли солиқ юқини енгиллаштиришга қаратилган. Улардан бири қўшимча қиймат солигини камайитириш. Бугунги кунда деярли барча мамлакатларда қўшимча қиймат солиғи 20 фоиз этиб белгиланган. Солиқ концепцияси лойиҳасида эса бу миқдор Ўзбекистонда 12 фоизга туширилиши белгиланмоқда. Асосий мақсад тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бeришдир.

Бугун Ўзбекистонда 19 солиқ тури мавжуд. Эндиликда солиқлар юқини камайитириш, уларни соддалаштириш режалаштирилмоқда.

– Бу концепция тадбиркорларга ҳақиқий ёрдам бўлмоқда. Аввало, қўшимча қиймат солиғи ставкаси пeсаяитирилиши ва юридик шахсларнинг деярли барчаси шу солиқ тўловига ўтиши аҳамиятлидир, – дейди тадбиркор Зафар Ҳошимов. – Қўшимча қиймат солиғи жуда фойдали солиқ. Бу қиймат туғдириш занжири узлуксизлигини таъминлайди, пировардида, умумий солиқ миқдорини қисқартиради. Ҳозирги кунда республикамизда мавжуд юридик шахсларнинг фақатгина 3 фоизи қўшимча қиймат солиғи тўлайдиган тадбиркорлар ҳисобланади. Қолган 97 фоиз ишбилармон доира вакиллари ягона солиқ тизимига ўтиб кетганди. Агар бунга иқтисодий нуқтаи назардан қарасак, ялпи ички маҳсулотининг ҳам қисқарган ҳолда кўрсатилишига ва солиқ тўланадиган базанинг камайишига олиб келади. Қолаверса, кўпгина йирқи бизнесменлар қўшимча қиймат солигини тўлашдан қочиб, ташкилотини 3-4 юридик қисмга бўлиб юборган эди. Концепцияда ана шу каби омилларга жиддий эътибор қаратилган.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари солиқ тўлашида катта тафовут юзага келган. Бугунги кунда кичик бизнес субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидеги улуши 50 фоиздан ошадди. Бироқ уларнинг солиқлар тушумидеги улуши 7 фоиздан сал кўпроқдир. Ўз навбатида, мамлакатда ишга яроқли аҳоли сонини 13 миллиондан ортиқ, Давлат солиқ органлари ҳисобига кўра, улардан 5,7 миллион нафари расман ишлайди. Яъни даромад солиғи тўлайди. Тадбирда бу ҳолатга алоҳида изоҳ бeрилди.

Ҳозир иш бeрувчи ўз ходимига, айтилмай, 1 миллион сўм ойлик бeрадиган бўлса, барча солиқлар қўшиб ҳисобланганда, жами 55 фоизгача солиқ тўлашига тўғри келади. Табиийки, бу тадбиркорга оғирлик қилади. Шу сабаб, эндиликда бунини 25 фоизгача тушириш мўлжалланапти. Бу, албатта, тадбиркорларга енгиллик яратади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислохот қилиш концепцияси тахлили барча тадбиркорлар учун умумий солиқ юқини камайитиришга хизмат қилади.

Улуғбек АСРОПОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонунда давлат мукофотларининг турлари белгилаб берилган, "Ўзбекистон Каҳрамони" унвони, Ўзбекистон Республикасининг 34 та фахрий унвони, 11 та орден, 4 та медал ва Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи шулар жумласидан. Давлат мукофотларига тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси кенгайтирилган. Янги қонунга мувофиқ бундан буён мукофотга тақдим этиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Судьялар олий кенгаши, Марказий банк, Давлат хавфсизлик хизмати, Хисоб палатаси, Марказий сайлов комиссияси раислари, шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, республиканинг бошқа муассасалари, нодавлат ноотижорат ташкилотлари республика органларининг раҳбарлари эга бўлади.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш ташаббусини мустақил илгари суриш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш Олий Мажлиси палаталари ташаббуси билан амалга оширилади.

Қонунда давлат мукофотларидан фойдаланиш тўғрисидаги норма алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусан, уларни тақиб юриш, планкалардаги ленталарни ва кичкина кўчирма нусхаларини тақиб юриш, давлат мукофотларини сақлаш ва улар тасвирдан фойдаланиш тартиби белгиланган. Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун ҳужжати давлат томонидан рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, ваколатли органларнинг бу соҳадаги масъулиятини оширишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар. Таъкидланганидек, ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали жаҳмиёт ва давлат ишларини бошқаришга бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган ҳуқуқларининг амалга оширилиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонунда жамоатчилик назоратининг субъектлари, объекти, унинг асосий тамойиллари белгиланган. Жумладан, жамоатчилик назорати субъектларига фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари киритилган. Жамоатчилик назоратининг объекти сифатида давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқ-тартибот ва назорат идоралари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг фаолияти белгиланган.

Жамоатчилик назоратининг давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар, давлат органларининг очик ҳайбат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитиш, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш каби шакллари ўрнатилган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу ҳуқуқий ҳужжат фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя қилиши таъминлашнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳаларда улар олдига турган вазифалар ва ваколатлар самарали амалга оширилишининг муҳим омил бўлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнгра сенаторлар "Давлат харидлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар. Қонуннинг мақсади ушбу соҳага оид амалдаги қонун ҳужжатларининг нормаларини тартибга солиш ва янада такомиллаштиришдан иборат.

Қонунда давлат харидларининг давлат томонидан тартибга солиш нормалари акс эттирилган, давлат харидлари субъектлари қайд этилган, давлат харидлари жараёнига қўйиладиган умумий талаблар белгилаб қўйилган.

Электрон дўкон орқали харид қилиш тартибининг киритилиши муҳим аниқлик ҳисобланади. Қонунда электрон дўконнинг ишлаши ва ундан фойдаланиш тартиби келтирилади, шунингдек, харидларни аўқон, танлов ва тендер орқали амалга ошириш, харид комиссияси фаолияти белгиланган. Қонунда товарларни (ишларни, хизматларни) ягона етказиб берувчидан харид қилиш масалаларини тартибга солиш нормалари ҳам белгилаб берилган.

Ушбу қонун нормаларига мувофиқ харид қилиш тартиб-таомиллари устидан мониторинг ўтказиш ҳамда жамоатчилик ва давлат назоратини амалга ошириш, шунингдек, давлат харидларига доир шикоятлар, низолар ва келишмовчиликларни ҳал қилиш механизми белгиланган. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар "Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар.

Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг (бундан буён матнда Хизмат деб юритилади) фаолиятини тартибга солишдан иборат.

Қонунга мувофиқ Хизмат давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўз фаолиятини махсус воситалар, шакллар ва усулларда амалга оширадиган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Қонунда Хизмат органлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузumi, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига бўлган тажовуларнинг олдини олиш, аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш бўйича разведка ва контрразведка фаолиятини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикасининг Қуроли Кучлари ва мудофаа-саноат комплексининг давлат хавфсизлигига бўладиган хавф-хатарлар ҳамда таҳдидлардан ҳимоя қилиш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича стратегик ташаббусларни амалга оширишда иштирок этиш, терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчиликка, қурол-ярғоқ, гивҳандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш, давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, этник ва диний адоватни тартиб этишга қаратилган буз-

сининг ваколатлари белгилаб берилмоқда.

Ушбу қонунда ўрмонлар муҳофаза қилиниши таъминлаш ва улардан фойдаланишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноотижорат ташкилотлари ва фуқаролар иштирокининг ҳуқуқий механизми мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Хусусан, улар дастур ва тадбирларни амалга ошириш, аҳоли орасида ўрмонлардан оқилона фойдаланиш бўйича тушултириш ишларини ўтказиш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш, давлат идораларига бу соҳада кўмак кўрсатишда иштирок этадилар.

Бундан ташқари, қонун билан ўрмонни қўриқлашга доир қатор чоралар, жумладан, қонунда, чеклов ҳамда тақиқлар, ўрмонга зарари таъсир кўрсатилишининг ёки унинг йўқ қилиб юборилишининг олдини олишга қаратилган қоидалар жорий этилмоқда.



гунчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга барҳам бериш каби йўналишлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, илмий-техник, ижтимоий ва ахборот соҳаларида давлат хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси халқининг маданий-тарихий ҳамда боғ мазнавий меросини ҳимоя қилиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат манфаатларига ҳамда хавфсизлигига таҳдид солувчи коррупция ҳолатларига қарши курашиш, телекоммуникациялар ва транспорт соҳасида давлат хавфсизлигига ҳамда давлат манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминлаш ва давлатда вазиятларга шарт-шароит яратуви омилларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга барҳам бериш, тегишли Хизмат ваколатига киритилган жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, терговга бўлган текширув ва дастлабки терговни ўтказиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат сирларининг сақлиниши, махсус алоқанинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ахборотнинг криптографик ҳимоясини ташкил этиш устидан назорат қилиш, давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон яратуви сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, Хизматнинг жағоварлик ва сафарбарлик шайлиги ҳолатини такомиллаштириш ҳамда сақлаб туриш, фавулдода вазиятлар юзага келганда ва ҳарбий ҳолат жорий қилинганда куч ва воситаларни ҳаракатларга тайёрлаш Хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ёрдамига таяниш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси устуворлиги, яхлитлик, мустақиллик, консипрация Хизмат фаолиятининг асосий принциплари сифатида қайд этилмоқда.

Қонунда Хизмат томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ҳамда ўқотар қуролни қўллаш шартлари ва чегаралари, давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш тартиби белгиланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Хизмат ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва бевосита унга ҳисобот беради. Шунингдек, Хизмат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасини ўз фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан мунтазам хабардор қилиб боради.

Шу билан бирга, Хизматнинг фаолиятида қонунларнинг аниқ ҳамда бир хилда ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар янги тахрирдаги "Ўрмон тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар. Қонуннинг мақсади амалдаги қонун нормаларини такомиллаштириш, ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, қўпайтириш, такрор қўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг махсусдорлигини ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Жумладан, атам ва таърифларни бир хилда қўллаш ва турлича талқин этилишининг олдини олиш мақсадида "ўрмон", "ўрмонларни қўпайтириш", "ўрмонни муҳофаза қилиш", "ўрмонларни такрор қўпайтириш", "ўрмондан фойдаланувчилар", "ўрмонларни қайта тиклаш" каби тушунчалар киритилмоқда.

Бу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қонун билан қабулланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли

Қонун билан ўрмондан фойдаланишнинг асосий қоидалари анча такомиллаштирилган. Жумладан, дархат ва бугаларни кесмаган ҳолда ўтин ва шох-шаббаларни йиғиш, ўрмон-овчилик, овчилик ва (ёки) балиқчилик ҳўжаликлари эҳтиёллари учун фойдаланиш, экологик туризмни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш каби ўрмондан фойдаланишнинг янги турлари киритилмоқда.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси ўрмонлардан фойдаланишга ёки фойдаланишнинг айрим турларига нисбатан чекловлар ёки тақиқлар белгилаши мумкин.

Ўрмонларнинг дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектилари соҳиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақаларида, эрозиядан сақлайдиган ўрмонларда, сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридан ўрмонларда, алоҳида қимматга эга бўлган ўрмонларда, ёнғокзор ўрмон зоналарида, давлат қўриқоналарининг ўрмонларида, шунингдек, белгиланган режимга мувофиқ табиат боғларининг, биуртма қўриқоналарнинг, қурорт табиий ҳудудларининг, давлат биосфера резерватларининг, давлатларо муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ўрмонларида чорва молларни ўтлатишга йўл қўйилмади.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг янги тахрирда қабул қилиниши давлат ўрмон фондини, унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш ва ундан оқилона фойдаланишнинг қонунчилик асосини мустаҳкамлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнгра сенаторлар "Ўзбекистон Республикаси йў-жой коммунал хизмати соҳаси ҳодимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Коммунал соҳа барқарор ва сифатли фаолият кўрсатиши муҳимлиги, унинг такомиллаштирилиши, шунингдек, коммунал хизматлар ҳодимлари меҳнатини нуносиби баҳолаш муҳимлиги қайд этилди. Ҳозирги вақтда республикада ушбу соҳада 157 мингдан ортиқ киши меҳнат қилимоқда.

Коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, вилдонан қилинадиган меҳнатни рағбатлантириш мақсадида қонун билан 18 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси йў-жой коммунал хизмати соҳаси ҳодимлари кунини этиб белгиланмоқда. Сенаторларнинг фикрича, бу коммунал хизматлар сифати ва самарадорлигини янада оширишга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнгра сенаторлар "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатларини қўпайтириш бўйича чораларни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда Олий Мажлисга қўриб чиқиш учун киритилди. Қонун илгор хор-қи тахрирасини ҳисобга олган ҳолда суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг қонунчилик асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган ҳамда Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларга ва "Прокуратура тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутди.

Қонун нормаларида далилларни қалбақлаштиришга (сохташтиришга) учун жиноятчилик жавобгарлик ўрнатилмоқда, ёлгон гувоҳлик ва ёлгон хабар берганлик учун жавобгарлик қўпайтирилмоқда. Қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процессини иштирокчиларини қонун билан қабулланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли

билан олинган фактик маълумотларни далил-исботлар сифатида фойдаланишни тақиқловчи тегишли норма киритилмоқда. Шунингдек, судларда жиноят ишларининг ошқора қўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш тақиқланмоқда, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўлланганлик учун жавобгарлик қўпайтирилмоқда.

Бундан ташқари, қонунда сирдан камоққа олиш тартибдаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларнинг мазкур эҳтиёт чораси устидан суд тартибда шикоят қилишга доир ҳуқуқлари, шунингдек, ҳимоячининг далилларни тўплаш ва тақдим этишга доир ҳуқуқлари кенгайтирилмоқда, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёни, тергов эксперименти албатта видеога олиниши, шунингдек, суд текшируви жараёнида стенографик ёзув олиб борилиши ҳақидаги талаб жорий этилмоқда. Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда руҳсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа экспертиза ўтказилган ҳолда прокурор ёки суд томонидан албатта текширилиши лозимлигини назарда тутувчи тартиб ўрнатилмоқда.

Шунингдек, қонунда озодликдан маҳрум қилиш тартибдаги жазони ўтаётган, камоқда сақланаётган, ушлаб турилган ёки маъмурий камоққа тортилган шахслардан жиноятлар тўғрисида олинган аризалар, хабарларни ва бошқа маълумотларни дарҳол рўйхатга олиш ва ҳал этишда жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилаётганлиги прокурор томонидан мажбурий тарзда текширилиши ҳақидаги нормалар жорий қилинмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини ишончлиқ таъминлашга, уларнинг кадр-қиммати ва шаъни камситилишига йўл қўймайди, шунингдек, суд ва тергов органлари жавобгарлигини қўпайтиришга, аҳолининг ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ва судга бўлган ишончини оширишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар. Мазкур қонунда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини тартибга солишга қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновациялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йўлида амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш назарда тутилмоқда.

Хусусан, амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар журналистик фаолиятининг эркинлигини таъминловчи ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратишга, журналистларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлашга қаратилган.

Қонун билан моддий маданий мерос объектиларини қўриқлаш ва улардан фойдаланиш масалалари қўпайтирилмоқда, сув объектиларидан фойдаланиш шартлари аниқлаштирилмоқда, ахборот-қутубхона фаолияти соҳасини тартибга солишга амалдаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилмоқда, шунингдек, ишга қабул қилинаётган шахс яқин қариношларининг судланганлиги сабабли уни ишга қабул қилиниши рад этиш тақиқлангани назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонун билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари орасидан чет давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳлар, комиссиялар, қўмиталар, ишчи гуруҳлар ва бошқа тузилмалар тузилиши назарда тутилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят ишларини ошқора қўриш суднинг ташаббуси билан ёки жиноят процессини иштирокчиларнинг илтимосномасига қўра аудио ва видеоёзувга олишдан фойдаланган ҳолда ҳамда видеоқонференцалока режимда ўтказилиши мумкинлигини, шунингдек, суднинг қонуний қўра қирған қарорлари жиноят процессини иштирокчиларнинг розилиги билан ёки шахсини кўрсатмаган тарзда суднинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши мумкинлигини (бундан ёпиқ суд мажлисларида қўрилган ишлар бўйича суд қарорлари мустасно) назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун билан фермер ҳўжалиklarини ташкил этиш механизми такомиллаштирилмоқда. Масалан, "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига фермер ҳўжалиklarини ташкил этиш механизмининг такомиллаштирилиши, ер участкалари тақдим этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, кўп тармоқли фермер ҳўжалиklarининг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва уларни рағбатлантириш тизимини, фермер ҳўжалиklarини ҳуқуқларини янада кенгайтиришни ҳамда уларнинг моддий манфаатдорлигини оширишни, ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келадиган муаммоларни ва қонун ҳужжатларидаги нуқсонларни бартараф этишни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда энергия ресурсларининг амалдаги тармоқлардан тўлиқ узиб қўйилган турар жойларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланувчи жисмоний шахсларга муқобил энергия манбалари ўрнатилган ойдан эътиборан ўч йил муддатга мулк солиғи ва ер солиғидан озод қилиш тартибда имтиёзлар бериш, ягона ижтимоий тўловни пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ ҳўжалиги ишларига жалб қилинган жисмоний шахслар томонидан бу ишларни бажарганлик учун олинмаган даромадларига нисбатан ҳисоблаб чиқармаслик, солиқ солинадиган базани туристик фаолият субъектлари учун – туристик хизматларни онлайн-бронлаштириш ва сотиш бўйича дастурий махсулотларни ҳамда ахборот тизимларини жорий этишга йўналтирилган маблағлар суммасига қайайтириш, шунингдек, кўп тармоқли фермер ҳўжалиklarини кўп тармоқли фермер ҳўжалиklarини рестригага киритилган қонундан бошлаб қишлоқ ҳўжалиги махсулотини етиштириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа даромад турлари бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан беш йил муддатга озод этиш назарда тутилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш тўғрисидаги бир қатор қонунларни, шу жумладан, "Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида ўч давлатнинг Давлат чегаралари туташган нуқтаси ҳудуди тўғрисида шартномани (Самарқанд, 2017 йил 10 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини, "Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислому Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномани (Тошкент, 2017 йил 5 декабрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини, "Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тўққизинчи қўшимча баённомани (Истанбул, 2016 йил 6 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини, "Ислому ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича уставини (Боку, 2015 йил 26 ноябрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини, "Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Экстремизмга қарши курашиш бўйича конвенциясини (Остона, 2017 йил 9 июнь) ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар.

Барча қўриб чиқилган қонунлар муҳокамалардан сўнгра сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Омбудсманнинг 2017 йилдаги фаолияти давлат ва жаҳмиёт фаолиятининг барча соҳаларида тўб ислохотларни амалга ошириш, фуқароларнинг фаровон ҳаёти учун шарт-шароитлар яратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган вазифаларни бажаришга қаратилганлиги таъкидланди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширишга оид Давлат дастурига биноан Омбудсман ва унинг минтақавий вакиллари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қадамлар қўйилди. Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари ҳамда давлат дастурида ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ҳуқуқлари ва ваколатлари кенгайтирилди.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, жамоат ташкилотларининг ва юридик шахсларнинг 9074 та мурожаати Омбудсман томонидан қўриб чиқилиб ҳал этилди. Мазкур ишлар натижасида 34 киши ишга жойлаштирилди ва лавозимига қайта тикланди, 53 нафар оилага моддий ёрдам, 39 нафар фуқарога тиббий ёрдам кўрсатилди, 2319 миллион сўм давлат фойдасига, 263 миллион сўм мурожаат қилганлар фойдасига ундирилди, тижорат ишларини ривожлантириш учун 133 миллион сўмлик кредитлар олишда кўмак берилди.

Омбудсман томонидан камоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш устидан парламент назоратини қўпайтириш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмади. Ноқонуний хатти-ҳаракатлар устидан берилган шикоятларни қўриб чиқиш ақналарни ҳақида парламент палаталарини вақти-вақти билан оғохлантириб бориш механизми жорий этилди, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларига йўл қўймайди бўйича назорат-таҳлий тадбирлар ташкил этиш ва олиб боришни қўшма жадвали тасдиқланди.

Сенаторлар ҳисоботни муҳокама қилиш давомида Омбудсман ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган тақлифлар ва тавсияларни билдирдилар.

Муҳокама ақналари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ МАЪМУРИЯТИ ТОМОНИДАН УНДИРИБ ОЛИНАДИГАН БИР МАРТАЛИК ЙИГИМЛАР, ИЖАРА ТЎЛОВЛАРИ ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИНИНГ ЯНГИ МИҚДОРЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1326-сон қарорига ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2010 й., 17-сон, 131-модда) ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- 1. Куйидагилар: Бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинган бир марталик йиғимларнинг миқдорлари 1-иловага мувофиқ; "Iste'molda bo'lgan transport vositalari va ehtiyot qismlar Sergeli bozori" масъулияти чекланган жамияти томонидан кўрсатилган хизматлар учун ундириб олинган тўловлар, ижара ҳақи миқдорлари ва "O'rikzor savdo kompleksi" масъулияти чекланган жамияти томонидан кўрсатилган хизматлар учун ундириб олинган тўловлар ҳамда ижара ҳақи миқдорлари 1.1 ва 1.2-иловаларга мувофиқ; бозорлар ва савдо комплексларида инвентарларини ижарага бериш ва кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловларнинг миқдорлари 2-иловага мувофиқ; бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун ижара тўловларининг миқдорлари 3-иловага мувофиқ; бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги умумий фойдаланиладиган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар учун ундириладиган тўлов миқдори 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 2. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (М.Пардаев), Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси (М.Тоҳиров), "Тошбозор-савдо" уюшмаси (С.Нематуллаев) бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти билан биргаликда бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик йиғимлар, тўловлар, ижара ҳақи тўловлари ва кўрсатиладиган мажбурий хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш бўйича белгиланган тартибда зарур тадбирлар ўтказилишини таъминласин. 3. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 20 апрелдаги "Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида"ги 453-сонли қарори (3-бандидан ташқари) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин. 4. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин. 5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киридаи. 6. Бозорлар ва савдо комплексларининг раҳбарлари белгиланган бир марталик йиғим, ижара тўлови миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек кўрсатиладиган мажбурий хизматлар рўйхати ва қийматини бозорлар ва савдо комплексларига кириладиган барча жойларга осиб қўйилишини таъминласин. 7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Хусанов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усманов

2018 йил 16 март

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Чикиндилар тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Тошкент шаҳар "Махсустрэнс-ишлаб чиқариш бошқармаси" томонидан ўз ваколатларига кўра соҳанин муҳимлигини инобатга олиб, доимий равишда чикиндиларни бошқариш билан боғлиқ бўлган корхоналар иш фаолиятини такомиллаштириш, машина ва механизмлар созлигини таъминлаш, шаҳарда чикиндиларни тўплаш майдончалари куриш ва улардан фойдаланиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўрни келганда маълумот сифатида келтириб ўтиш жоизки, 1990-йиллар охирида Тошкент шаҳрида чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш билан боғлиқ кескин вазият юзага келган эди. Уша пайтда шаҳарда чикиндиларни олиб чиқиш техникасига эҳтиёж 900 тани ташкил қилиб, амалда эса махсус техникаларнинг фақатгина 579 таси, яъни керагидан 69 фоизи ишлаб турган. Ачинарлиси, улардан ҳар куни фақат 363 таси ёки 40 фоизигина йўналишга чиқарилган. Турар жойлардан маиший чикиндиларни олиб чиқиш контейнерларига бўлган эҳтиёж 20000 тани ташкил этиб, амалда 4500 тани ёки 22 фоизини ташкил этган. Бу ҳолат йиғилиб қолган чикиндиларни ҳафталаб, баъзида 10-15 кунда атиги бир марта олиб чиқилишига олиб келган. Бундан ташқари, Зангиота ва Ҳасанбой чикиндихоналари шаҳарга туташ ҳудудда жойлашганлиги боис, доим ижтимоий хавфли вазият манбаи бўлиб келган ва ҳар йили маҳаллий ҳокимият ҳамда назорат органларига полигон ҳудуди яқинида истикомат қилувчи аҳолидан ўнлаб шикоят ва аризалар келиб тушишига сабаб бўлган.

2002 йилда "Чикиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши шаҳардаги чикиндиларни бошқаришда бирмунча ижобий натижаларга эришилшига замин яратди.

Чикиндиларни бошқариш тизимини яхшилаш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш ва корхоналарни модернизациялаш мақсадида, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан "Тошкент шаҳри ҳудудини санитар тозалаш тизимини такомиллаштириш" ҳудудий дастури ишлаб чиқилиб, ушбу дастур доирасида Жаҳон ва Европа тиклиши ва тараққиёт банкларининг инвестициялари жалб этилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда Тошкент шаҳар ҳудудида ҳосил бўладиган чикиндилар доимий режа билан йиғиб олиниб, Тошкент вилоятидаги "Охангарон" шаҳар чикиндихонасига икки босқичда ташиб кетилади ва чикиндихонада уларни зарарсизлантириш, кўмиш усулидаги технология асосида бартараф этиш ишлари амалга оширилади.

1-босқич чикинди йиғиш майдончаларида йиғилган маиший чикиндиларни махсус техникалар билан олиб чиқилиб, шаҳардаги 3 та (Яшнобод, Яқкасарой, Юнусобод) чикиндиларни қайта юклаш станцияларига олиб борилади.

2-босқичда чикиндиларни қайта юклаш

станцияларида махсус пресслар ёрдамида 27м3 цилиндрли контейнерларга жойлаштирилиб, Тошкент вилоятидаги "Охангарон" шаҳар чикиндихонасига олиб чиқиб тўқилади.

Шаҳарда ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чикиндилар йиллик ҳажми ўртача 600 минг тоннани ташкил қилиб, бунинг 450 минг тоннаси хусусий ва коммунал сектор ҳамда 150 минг тоннаси эса ташкилотлар ҳисобига тўғри келади. Бир кунда фасл ўзгаришига қараб, ўртача 1800-2000 тонна чикинди олиб чиқиб кетилади.

Тошкент шаҳрида "Махсустрэнс" ишлаб чиқариш бошқармаси таркибини барча 11 та туман автокорхоналари, сервис ва марказлашган юк ташиш автокорхонаси, Чирчиқ автокорхонаси, Тошкент вилоят Охангарон тумани ҳудудида жойлашган "Шаҳар чикиндихонаси", Яшнобод, Яқкасарой ва Юнусобод туманла-

маротаба "сигнал" системаси асосида, 517 та чикинди йиғиш майдончалари ва 141 та модул типдаги чикинди йиғиш майдончаларидан эса ҳар куни бир марта ҳамда корхона ва ташкилотлардан муассаса маъмуриятининг мурожаати асосан 256 та йўналиш жадвали асосида олиб чиқиб кетилади.

Тошкент шаҳрининг санитар ҳолати барқарорлигини таъминлаш, аҳоли учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида "Махсустрэнс" ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан 2013-2017 йилларда 462 та янги замонавий чикинди йиғиш майдончалари, шунингдек, 141 та модул типдаги чикинди йиғиш майдончалари кредит асосида ўз маблағи ҳисобидан курилган. 2018 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик дастури асосида қўшимча 55 та чикинди йиғиш майдончаларини куриш режалаштирилган.

"МАХСУСТРЭНС": ИНВЕСТИЦИЯЛАР ОРҚАЛИ САМАРАЛИ ЯНГИЛАНИШЛАР САРИ

рида жойлашган ҳар бирининг йиллик қуввати 200 минг тоннадан иборат бўлган "Чикиндиларни қайта юклаш станциялари" ташкил қилади.

Ҳозирги кунда туман автотранспорт корхоналарида жами 356 та махсус автомашиналар мавжуд бўлиб, ушбу техникалардан 131 тасини замонавий "МАН" ва "Исузу" русумидаги автоуловлар ташкил қилади ва 15 донга катта ҳажмдаги ностандарт чикиндиларни ортқиш учун мўлжалланган ортқиш механизмлар бор. Ушбу техникалар 2012-2016 йилларда 27 млрд. сўмлик имтиёзли лизинг маблағлари ҳисобидан харид қилинган. Қолган 225 дан ортқиш автомобиллар 2001 йилда ишлаб чиқарилган бўлиб, фойдаланиш муддатини ўтаб бўлган ва уларни янгилаш талаб этилади. Шу билан бирга, "Махсустрэнс" техникаларидан самарали фойдаланиш мақсадида, ушбу техникалардан 350 тасига 2013-2017 йилларда GPS навигаторларни ўрнатилди.

"Махсустрэнс" ишлаб чиқариш бошқармаси тасарруфидига 338 та маҳалларга жами бўлиб 356 та махсус чикинди ташувчи автотранспорт воситалари хизмат кўрсатиб келади. Шундан, 188 та ерли маҳаллалардан бир ҳафтада икки

"Махсустрэнс" ишлаб чиқариш бошқармаси тизимидаги автокорхоналарни модернизация қилиш ва ишчи-ҳодимлар учун қулайликлар яратиш мақсадида 2013-2017 йилларда М.Улуғбек, Яшнобод, Сергели, Учтепа автокорхоналарининг маъмурий ва маиший бинолари тўлиқ реконструкция қилинди. Яъни, автокорхона ҳудудига қайтадан асфальт ётқизилди, ишлаб чиқариш биноси, ювиниш ва кийиниш хоналари капитал таъмирланди. Шунингдек, Яқкасарой ва Олмазор автокорхоналарида қўшимча хоналар ва маъмурий бино курилди ва ҳозирда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ижобий натижаларимиздан яна бири, аҳолидан чикиндини олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тўловларни тезкор ва тўлақонли амалга ошириш учун "Биллинг" тизими жорий қилинди.

Соҳада ютуқларимиз билан бир қаторда баъзи муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, 2018 йилда мўлжалланган вазифалар куйидагилардан иборат.

Ҳозирги кунда "Махсустрэнс" ишлаб чиқариш бошқармаси тизимидаги автокорхоналарда эскирган асосий воситаларни янгилаш, пресс ускуналари, автомобиль воситаларини таъмирлаш ва соз

ҳолда сақлаш, янги чикинди йиғиш майдончаларини куриш долзарб масала бўлиб турибди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 31 октябрдаги "Осиё тараққиёт банки иш-тироқидаги "Қаттиқ маиший чикиндиларни бошқариш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Осиё Тараққиёт банки билан биргаликда инвестиция лойиҳасининг дастлабки техник иқтисодий асослари ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа қиймати жиҳатидан Осиё Тараққиёт банкининг кредит улуши ҳисобланиб, 25 йил муддатга берилган ва шундан 5 йили имтиёзли муддат ҳисобланади.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши учун Осиё Тараққиёт Банки ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида тегишли Келишув имзоланган.

Тошкент шаҳрида қаттиқ маиший чикиндиларни бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган Осиё Тараққиёт банкининг инвестиция лойиҳаси кредит маблағлари ҳисобидан бугунги кунга 5000 донга 770 ва 8500 донга 1100 литр ҳажмдаги жами 13500 донга чикинди йиғиш қутилари харид қилинди.

Бундан ташқари, 182 донга Корея Республикасида ишлаб чиқарилган ҳар хил русумли махсус техникаларнинг харид қилиниши масаласи ҳал қилинди.

Ушбу инвестиция дастури асосида Тошкент вилояти ҳудудида 30 гектар майдонда дунё стандартлари ва замонавий талабларга мос келадиган санитар полигонини куриш назарда тутилган.

Чикиндиларни қайта юклаш станцияларига 100 донга 27м3 цилиндр шаклдаги контейнерлар харид қилиш ҳамда мавжуд 2 та чикиндиларни қайта юклаш станцияларини реконструкция қилиш кўзда тутилган.

Президентимизнинг 2017 йил 21 апрелдаги 2916-сонли қарорига мувофиқ "Махсустрэнс" корхонаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибига киритилган бўлиб, санитар тизим самардорлигини ошириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу тадбирлар доирасида Президентимизнинг 2017 йилда Корея Республикасига қилган давлат ташрифлари доирасида Кореянинг "СИЖИН" компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўртасида меморандум имзоланган эди. Ушбу меморандумга асосан Тошкент вилоятининг Охангарон туманида жойлашган чикинди полигонини ҳудудида "СИЖИН" компаниясининг инвестиция маблағлари ҳисобидан чикиндиларни саралаш ва қайта ишлашга йўналтирилган лойиҳасини амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда.

Камолитдин НАБИЕВ, "Махсустрэнс-ишлаб чиқариш бошқармаси" Давлат унитар корхонаси бошлиғи

АҲОЛИГА ҚУЛАЙ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

Яшнобод тумани давлат хизматлари маркази Авиасозлар кўчасида жойлашган. Илгари бу хизмат "Ягона дарча" сифатида туман ҳокимлиги биносига эди, 2018 йил январь ойидан бошлаб марказ ушбу манзилга кўчирилди.

Бу аҳоли ва тадбиркорлар учун қўлаб қулайликлар яратди. Мазкур тузилма амалда ўзининг муносиб самарасини кўрсатиб, халқимиз ишончини қозонган Президентнинг Халқ қабулхоналари негизида яратилгани айни мuddао бўлди.

Яшнобод туман давлат хизматлари маркази бўлим бошлиғи Х.Норбоев ҳамроҳлигида марказ фаолияти билан танишамиз. Бу ерга ташриф бурган фуқаро, яъни тартибдаги тадбиркор бўлади ёки фирма очмоқчи бўлган ташкилот вакили бўладики уларга 10 нафар малакали мутахассислар зарур хизматларни кўрсатади.

Марказ ходими Жамшид Тўйчиевнинг айтишича, белгиланган давлат божи тўлангандан сўнг фирмага ёки яъна тартибдаги тадбиркорга рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома берилади. Айни пайтда тадбиркорлар электрон рақамли мурожаат бўйича мурожаат қилишяпти. Марказда "Ҳамкор банк", "Халқ банк"и шохбчалари ишлаб турибди. Рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектининг автоматик равишда гувоҳномасининг рўйхатдан ўтганлиги қайд этилади.

— Бир кунда марказимизга 30-40 нафар тадбиркор рўйхатдан ўтиш учун мурожаат қилмоқда, — дейди Яшнобод тумани давлат хизматлари маркази бўлим бошлиғи Х.Норбоев. — Марказимизга оилавий корхона очаман, хусусий тадбиркор бўламан, фирма очаман, деган тадбиркорлар келишади. Айни пайтда 37 та давлат хизматлари бўйича хизмат кўрсатишмоқда. Илгари фақат тадбиркорларга хизмат кўрсатилган бўлса, 1 апрелдан бошлаб аҳолига ҳам хизмат кўрсатилади.

— Янги МЧЖ очиб, рўйхатдан ўтишга келдим, — дейди тадбиркор Илҳом Ибрагимов. — Корхонамиз декларация хизматини кўрсатишга ихтисослашган. Рўйхатдан ўтишда муаммолар бўлмади.

Бу ерда электрон ҳукумат хизматлари қурилмаси ўрнатилган бўлиб, тадбиркор ўзи учун онлайн маълумот олиши мумкин. Жорий йил 1 апрелга қадар муҳандислик коммуникацияларини тайёр ҳолда улаш, лойиҳа ҳужжатларини келишиш, қурилиш ишларини бошлашга рухсат бериш каби хизматлар кўрсатилган бўлса, 1 апрелдан турлиганлик гувоҳномаларини олиш, жисмоний шахсларга СТИР бериш, турар жой бўйича прописка қилиш, пропискадан чиқариш, ҳисобга олиш каби хизмат турлари қўшилди.

Киссача қилиб айтганда, давлат хизматлари маркази фаолияти йилдан йилга кенгайиб, аҳоли ва тадбиркорлар учун муносиб хизмат кўрсатадиган масканга айланиб бормоқда.

Зокиржон ШАРИФЖОНОВ

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан "Энг намунали давлат инспектори" ўқув-семинари ўтказилди.

ЭНГ НАМУНАЛИЛАР ТАҚДИРЛАНАДИ

Тадбирда Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари И.Шоусупов сўзга чиқиб, "Энг намунали давлат инспектори" ўқув-семинари ўтказилишининг аҳамияти, ҳодимларга қўйилган талаблар, уларнинг кийиниш ва муомала маданияти борасида сўз юритиб, зарурий кўрсатма ва тушунтиришлар бериб ўтди.

Ҳабарини бор, давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонида асосан 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу тузилма электр энергияси, табиий газ ва сув етказиб бериш ва истеъмол қилиш соҳасида шартнома мажбуриятларига сўзсиз икросини этилиши, тўловларнинг ўз вақтида ундирилиши, ноконуний уланниш ҳамда талон-тароҳ қилиш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, суд ҳужжатларининг сўзсиз икросини таъминлаш борасида фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда табиий газ, электр энергия ва сув таъминоти идоралари ҳодимлари ўйма-уй юрмайди. Борган тақдирда ҳам уларга тўлов амалга оширилмаслиги лозим. Фақат бюронинг давлат инспекторлари махсус намунадаги қийим, жетон ҳамда хизмат гувоҳномаларини кўрсатгандан кейингина тўловни амалга оширишлари лозим.

Ўқув-семинардан қўзланган мақсад давлат инспекторининг ишлаш тартиби, унга қўйилган вазифалар, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ту-

шунтириш, шу орқали уларнинг иш тизимини маълум бир тартибда белгилаб бериш, изчил ишлашини йўлга қўйишдан иборат.

Йиғилишда давлат инспекторлари олдида қўйилган вазифа ва мажбуриятлар, хусусан, электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноконуний уланниш, талон-тароҳ қилиш, энергия ресурсларини ноконуний истеъмол қилишнинг бошқа ҳолатларини бартараф этиш, тегишли ҳудудлар негизидаги тармоқларга етказиб берилган энергия ресурслари ҳамжи ўртасидаги тафовутларни аниқлаш, бу ресурсларни талон-тароҳ қилиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдинки олишда ички ишлар органлари ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари билан ҳамкорлик қилиш каби қатор вазифаларни бажаришда ишга масъулият билан ёндашиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Давлат инспекторларининг ўз вазифаларига янада масъулият билан ёндашишини ошириш ва яхши натижа кўрсатган ҳодимларни муносиб рағбатлантириш мақсадида, ҳар чоракда энг намунали давлат инспектори аниқланадиган бўлди. Энг намунали деб топилган давлат инспекторларини муносиб равишда тақдирланади. Тадбир доирасида ҳодимларга давлат инспекторининг вазифалари ёзилган қўлнамалар тарқатилди.

Абдували СОДИКОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент ш., Учтепа туманидаги 38-сонли умумий ўрта таълим мактабига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент ш., Учтепа туманидаги 5-сонли мактабгача таълим муассасасига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Зухра Ибрагимовна Убайдуллаева номига берилган Яшнобод тумани, Фала-банинг 40 йиллиги даҳаси, 2-мавзё, 22А-уй манзилига жойлашган 58,0 кв. метрга тенг бўлган бинога эгалик ҳуқуқини берувчи 9 декабрь 2004 йилда берилган 362-сонли давлат ордери йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзидромет ХАБАР ҚИЛАДИ кундузи — 26-28 даража иссиқ бўлади. Ўзидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 31 мартда Тошкент шаҳрида 31 март кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18, даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшоми Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.